




ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Ибодуллаев Шохбоз
Тўлқин ўғли**

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Ю. Кудашованинг фикрига кўра, тижорат банкларининг рақобатбардошлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- активлар ва пасивларнинг сифати;
- капиталнинг етарлилиги;
- банк фаолиятининг фойдалилиги ва рентабеллиги¹.



1-расм. ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкда соф фоизли маржанинг даражаси², фоизда

1-расмдан кўринадурки, ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржанинг даражаси 2017-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда ошган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган меъёрий даражасига (4,5%) эришилмаган.

¹ Кудашова Ю.С. Совершенствование методики оценки конкурентоспособности коммерческого банка. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ставрополь, 2007. – 185 с.

² Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

1-расмдан кўринадурки, Асакабанкда соф фоизли маржанинг даражаси 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бунинг устига, соф фоизли маржанинг даражаси 2021 йилда ҳам 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

1-расмдан кўринадурки, Саноатқурилишбанкда соф фоизли маржанинг даражаси 2017-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда ошган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

ТИФ Миллий банки регулятив капиталининг миқдори ва пасивлар ҳажмидаги салмоғи³

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм	4 806	5 722	13 141	13 873	14 768	16 377	17 848
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	9,3	10,1	19,7	17,4	16,4	13,7	14,0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўрингайки, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдори 2017-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўрингайки, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада (4,7 ф.п.) ошган.

ТИФ Миллий банкнинг регулятив капитали таркибида нисбатан юқори салмоқни устав капитали эгаллайди. Масалан, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Миллий банк регулятив капиталининг ҳажмида устав капиталининг салмоғи 86,7 фоизни ташкил этди. Республикамиз тижорат банкларининг жамланма балансига қарайдиган бўлсак, Миллий банкдаги ҳолатни кузатиш мумкин. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг ҳажмида устав капитали энг юқори салмоқни ташкил этди.

2-жадвал

АТ “Асакабанк”нинг регулятив капитални миқдори ва пасивлар ҳажмидаги салмоғи⁴

³ Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁴ Жадвал муаллиф томонидан Асакабанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм	3 083	3 168	6 247	6 425	6 504	6 518	6 668
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	12,7	10,4	17,9	14,1	12,8	12,7	11,5

2-жадвалдан аниқ-тиниқ кўриш мумкинки, Асакабанкнинг регулятив капиталининг миқдори 2017-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвалдан аниқ-тиниқ кўриш мумкинки, Асакабанкнинг регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвал

АТ “Саноатқурилиш”нинг регулятив капитални миқдори ва пасивлар ҳажмидаги салмоғи⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм	2 241	2 848	6 246	6 704	7 700	7 828	8 728
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	9,3	9,3	17,9	13,7	13,6	12,2	11,7

3-жадвал маълумотларидан яққол кўрингайки, Саноатқурилишбанкнинг регулятив капиталининг миқдори 2017-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвал маълумотларидан яққол кўрингайки, Саноатқурилишбанкнинг регулятив капиталининг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кудашова Ю.С. Совершенствование методики оценки конкурентоспособности коммерческого банка. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ставрополь, 2007. – 185 с.

⁵ Жадвал муаллиф томонидан Саноатқурилишбанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

2. Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
3. Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
4. Жадвал муаллиф томонидан Асакабанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
5. Жадвал муаллиф томонидан Саноатқурилишбанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.